



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 28 август, № 187 (8249)

Яқшанба

Сайтимизга ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



УЛУҒ АЙЁМ ШУКУҲИГА МОС БУНЁДКОРЛИК



Мамлакатимиз мустақиллиги байрами яхши янгиликлар билан, кўтаринки кайфиятда кутиб олинмоқда. Жойларда янги иншоотлар, марказлар ишга туширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 27 август кунини Тошкент вилояти ва пойтахтимиздаги шундай мажмуалар билан танишди. Улардан бири — Зангиота туманида қурилган “Электрон ҳукумат” тизими маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш ягона маркази. Мамлакатимизда барча соҳани рақамлаштириш, хизматларни одамларга қулайлаштириш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, юртимиз масофавий хизматлар экспорти бўйича ўзига хос минтақавий хабга айланиб бормоқда. Бу халқаро талабларга мос датармарказ ташкил қилишни заруратга айлантирди. Шу боис “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида Ўзбекистонда илк бор катта ҳажмдаги маълумотларни

сақлаш ва қайта ишлаш маркази барпо этилди. Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Марказда Хитойнинг “Huawei” компанияси билан ҳамкорликда 20 пета байт хотирага эга тизим ташкил этилган. 580 та сервер, умумий электр қуввати 5 мегаваттлик дизель генераторлар тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлайди. Бинони совитиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тармоқлари ҳам барча талабга жавоб беради. Умуман, Маълумотлар маркази халқаро “Uptime” институти томонидан берилган “TIER III” сертификатига эга. Бу марказ рақамлаштиришнинг “юраги”, “Электрон ҳукумат”нинг замини, — деди Президент.

Мазкур марказ ишга тушиши натижа-сида давлат идораларининг маълумотларини сақлаш ва техник қўллаб-қувватлашга сарфлайдиган миллиардлаб харажатлари тежалди, аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланди. Энг асосийси, киберҳужумлардан ишончли ҳимоя таъминланади. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида амалга оширилган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Бу боғни халқимиз яхши билади. У 1932 йилда ҳашар йўли билан қурилган, кўп йиллар аҳолининг энг сеvimли маскани бўлган. Кейинги вақтларда боғ худудида қурилишлар бўлди — Адиллар хиёбони, Ёзувчилар уюшмаси биноси, Тош-

кент шаҳар тарихи музейи, “Magic city” кўнгилочар маркази барпо этилди. Президентимиз бу боғнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолиш, бу ерда миллий анъаналаримизга хос муҳит яратиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шу асосида 14 гектардан зиёд худудда катта ишлар бажарилди. Маъмурий бино, рестороанлар қурилиб, кўприклар ва йўлақлар янгиланди. Жами майдони 40 минг квадрат метр бўлган кўл тикланди. Сув сизиб чиқмаслиги ва лойқаланмаслиги учун кўл тубига махсус қопламалар ётқизилди. Қирғоқлар тартибга келтирилиб, чўмилиш хавзаси ташкил этилди. Мингдан зиёд дароахт, 200 мингга яқин бута кўчатлари экилди. Давлатимиз раҳбари шу ерда нуронийлар, адабиёт ва санъат намояндалари билан ҳам суҳбатлашди. Уларни яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан табриклаб, ушбу боғнинг ахамияти ҳақида гапирди. — Бугун шаҳарларимизда бўлаётган ўзгаришлар яхши. Лекин қадриятларимизни эъзозлаш, хотира ҳам керак. Илгари бу боғ Тошкентнинг энг машҳур жойи бўлган, ўзига хос рамзларидан бирига айланган. Одамлар бу ерга келиб сайр қилган, ижодкорлар табиатдан завқ илҳом олган. Талабалар, ёшларнинг энг завқли дамлари шу ерда ўтарди. Бу тарихни ҳозирги кун билан ҳамоҳанг қилишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев. Миллий боғда мазмунли дам олиш учун барча шароит яратилган. Оила ёки дўстлар даврасида сайр қилиш, овқатланиш, шахмат-шашка ва теннис ўйнаш, велосипед ҳайдаш мумкин. — Хаммамиз ўша машҳур киноларимиздаги “Гўзал Тошкент” каби куй-қўшиқларни, ҳофизларимиз ижро этган ашуларини яхши биламиз, улар қалбимиздан чуқур жой олган, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шунинг учун бу боғда ана шундай тароналар доимо янграб туришига эътибор бердик. Уйлайманки, бу ерда аввалгидек мушоиралар, концертлар ўтказиш, яна кинолар олиш мақсадга мувофиқ. Булар боғимизни янада файзли ва тароватли қилади. Нуронийлар боғ қайта очилиб, сўлим масканга айлантирилгани учун хурсандлигини билдирди. Президент Шавкат Мирзиёев Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технолодик паркида қурилган янги биноларни ҳам бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари мазкур мажмуа қурилишига 2019 йил 20 ноябрда тамал тоши қўйган, ўтган йили декабрда бунёдкорлик ишларини кўздан кечирган эди. Бугунги кунда 20, 22, 25 қаватли бинолар ва конференция зали қуриб битказилди. Ахамиятлиси, мазкур иншоотлар муаллифлик технологиясига асосланган

янги турдаги қурилиш конструкцияси асосида қурилмоқда. Юқори сейсмик чидамликка эга. Ҳар бир бино видеокузатув тизими ҳамда юқори технологияли ёнғин хавфсизлиги ускуналари билан жиҳозланган. Мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Сўнгги беш йилда соҳага 2 миллиард доллар, шу жумладан, 700 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялар йўналтирилди. Барча худудларда IT-парклар очилиб, улар учун алоҳида солиқ режими жорий этилди. Бу орқали 14 минг нафар ёш юқори даромадли иш билан таъминланди. Шунингдек, соҳада ўзини ўзи банд қилган мутахассислар сони 43 минг нафарга етди. Жорий йилнинг ўзида мамлакатимизда 134 та янги, жумладан, 50 та хорижий IT компания ташкил этилди, экспортёр корхоналар сони эса 2 баробарга ошди. Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технолодик парки бу борада етакчи. У биринчи бўлиб икки қаватли бинода очилган эди. Бугунги кунда осмонўпар, муҳташам мажмуага айланди. Ушбу IT-паркнинг резидентлари, хизматлар тури ҳам кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг 6 ойида улар томонидан 53 миллион долларлик хизматлар экспорт қилинган. Йил якунигача бу кўрсаткич 100 миллион доллардан ошиши кутилмоқда. Давлатимиз раҳбари “Алоқабанк” ва “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси биноларидаги шароитларни кириб кўрди. Уларнинг пастки қаватларида мижозларга хизмат кўрсатиш офиси жойлашган. Юқори қаватлар IT корхоналар учун мўлжалланган. Ерўла қисмида 3 минг автомобилга мўлжалланган 3 қаватли тураргоҳ ҳам бор. IT-паркда қурилиш икки босқичда олиб борилаётган. Бу ерда жами 17 та иморат барпо этилади. Соҳадаги ташкилотлар, университет, қоворнинг маркази ўзаро узвий фаолият олиб боради. Мажмуа худудида хизмат уйлари, меҳмонхона, кафе ва рестороанлар, дўконлар, спорт майдони, дам олиш жойлари ҳам бўлади. Шу ерда “Ўзсувтаъминот” акциядорлик компаниясида жорий этилган автоматик ҳисоблаш тизими, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг электрон тизимларини янада такомиллаштириш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. **Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Иқром АБВАЛБОВЕВ, ЎЗА мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ДУНЁ САЙЁҲ ВА ИШБИЛАРМОНЛАРИ ТАЛПИНАДИГАН МАСКАН

Самарқанд шаҳридаги “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм марказининг очилиш маросимини кузата туриб, мамлакатимизнинг бу соҳадаги салоҳият ва имкониятлари нечоғли юқорилиги, муҳими, унинг тараққиётига қанчалик катта эътибор қаратилаётганини ич-ичимиздан яна бир бор чуқур хис қилдик. Янги бунёд этилган мажмуа эса бу борадаги сайё-ҳаракатларимизга янги куч бағишлайди.

Акс садо

Президентимиз томонидан таъкидланганидек, бу улкан марказ буюк аждодларимиз бунёд этган муҳташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий анъаналарини давом эттиради. Ўз навбатида, бу мажмуа мамлакатимизда ҳозирги пайтда пойдевори қурилиши бошланган учинчи Ренессанс ва олдинда турган тарихий даврлар ўртасидаги рамзий кўприк бўлиб хизмат қилади. Бу шунчаки баландпарвоз гап эмас, аксинча, уни кузатган киши бунга шубҳасиз, амин бўлади. Марказ таркибиде 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, “Боқий шаҳар” мажмуаси, амфитеатр ва кўлаб бошқа иншоотлар бўлиб, бу масканда йилга 2 миллион нафар сайёҳни қабул қилиш мумкин, деганидир. **➔ 2**

ХАЛҚИМИЗ ҲАҚИГГА ҚИЛИНГАН ДУОЛАР БАРЧАМИЗГА СУРУР, ИЛҲОМ БАҒИШЛАДИ

Президентимизнинг Саудия Арабистонига давлат таширифи ва ушбу ташириф давомида умра зиёратини адо этиши халқимиз руҳига ўзгача таъсир этиб, тўлқинлантириб юборди.

Муносабат

Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи орқали ушбу сафар тафсилотларини

мунтазам кузатиб бордик. Давлатимиз раҳбари ва ўзбекистонлик зиёратчиларнинг умра арконларини катта илҳом ва ҳусни хулқ билан адо этганларидан жуда мамнун бўлдик. Айниқса,

Юртбошимиз билан бирга му-борак зиёратни адо қилган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров сўзлаб берган, ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарқалган тарихий воқеани сафодек қалбларимизни ёритиб, чексиз қувонч бахш этди. Президентимиз сафар даво-

мида Пайғамбаримиз алайҳис-саломнинг уйи атрофида бунёд этилган Масжидун Набавийда ибодат амалини адо этиши ва Расулимиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини зиёрат қилгани таъсири ниҳояда дилларни ларзага солиб, кўзларга нам келишига сабаб бўлди. Изоҳига тил, баёнига қалам ожиз. **➔ 3**

Масжидун Набавий шундай мўътабар, табарруқ жойки, уни бунёд қилишда Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ўзлари иштирок этганлар ва шу жойда ваҳий орқали нозил бўлган Қуръони карим оятларини саҳобаларга етказиб турганлар. Бу ерда ибодат қилиш ҳар бир мусулмон учун шараф, илоҳий неъмат ҳисобланади.

Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига

Шонли сана — Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигини тантанали нишонлаш арафасида турибмиз. Албатта, истиқлол неъматларининг юртдошларимизга берган имкониятлари ҳақида узоқ гапириш мумкин.

БУЮК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимизда “Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун кўриши керак”, деган эзгу тамойил ҳаётимизнинг барча жабҳасига тўла татбиқ этилиб, кўп соҳаларда, жумладан, халқ таълими ва тиббиёт тизимида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг солиқни сақлаш тизими ҳодимлари билан ўтказган очик мулоқотида “Тиббиёт ҳодимлари бизнинг саломатлигимиз посбонларидир. Уларга халқ ишонини, улар эса халқни ишонтира олиши керак” деган сўзлари соҳадаги

Сенатор ва ҳаёт АКСАРИЯТ МУРОЖААТЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова фуқаролар қабулини ўтказди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва пойтахт шаҳарда истиқомат қилувчи 50 нафардан зиёд фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди. Мурожаатлар, асосан, суд-ҳуқуқ, уй-жой, кадастр, ичимлик суви таъминоти, моддий ёрдам каби масалалар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли қабул жараёнига Олий суд, Бош прокуратура, МИБ, Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк, Кадастр агентлиги, Оила ва хотин қизлар давлат қўмитаси вакиллари жалб қилинди. Бу эса мурожаатларда кўта-

рилган муаммоларга ечим топишда кўл келди. Эътиборлиси, аксарият мурожаатлар жойида ҳал этилди. Қолганлари юзасидан эса тегишли давлат органи ҳодимлари томонидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. Ўз навбатида, қўмита раиси томонидан мурожаатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш ва зарур чоралар кўриш юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар, худудлар масъулларига кўрсатмалар берилди. Яқинда ҳар бир мурожаатдаги масалалар ижроси қўмита назоратига олингани маълум қилинди. **«Халқ сўзи».**



ДУНЁ САЙЁҲ ВА ИШБИЛАРМОНЛАРИ ТАЛПИНАДИГАН МАСКАН

Масалан, Бухоро вилоятида 660 та моддий маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Улардан 331 таси республика ва 329 таси маҳаллий аҳамиятдаги обидалардир. "Очиг осмон остидаги музей" деб эътироф этилган шариф шаҳар меъморий ёдгорликларини асраб-авайлаш мақсадида 1993 йилда Бухоронинг тарихий маркази БМТнинг Таълим, фан ва маданият ишлари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Таъкидлаш жоизки, шаҳарларнинг нуфузи уларнинг қадимийлиги билан эмас, балки ўзида тарихни қай даражада сақлаб қолганлиги билан ўлчанadi. Бу борада Самарқанд, Бухоро ва Хива тенгсиздир. Ушбу худудларда қад ростлаган ҳар бир обида, ҳар бир ноҳир ёдгорлик кўна заминнинг ноёб архитектураси, бой қурилиш тажрибаси, юксак

маданияти, илму фани, фалсафа ва дини раванқидан дарак беради.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратмоқчимиз. "Буюк Ипак йўли" халқро туризм марказида қадимий бозор, мамлакатимизнинг барча ҳудудига хос 40 та хунарманлик устахонаси очилди. Унда усталар ёғоч ўймакорлиги, кулчилик, заргарлик ва гилам тўқиш жараёнларини сайёҳларга бевосита намойиш этишadi.

Кўриниб турибдики, маъмур мажмуада ҳаммаси пухта ўйланган. Бу тез орада унинг ҳақиқий маънода дунё сайёҳлари талпинадиган, ишбилармонлар учрашиб, янги гоғлар юзасидан фикрлашадиган марказга айланишига хизмат қилади.

Аббра ХУСЕЙНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

80 ДАН ОРТИҚ МАМЛАКАТЛАРГА МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Шу кунларда халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллик тўйига катта тайёргарлик кўрмоқда. "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шиори остида нишонланадиган байрам тадбирлари шуқуҳи аллақачон юртимизнинг энг олис қишлоқ ва овулларига ҳам етиб борган.

Таҳлил

Энг асосийси, халқимиз мустақилликнинг тотли нёъматлари, истиқлол шамолларидан баҳра олган ҳолда сўнгги йилларда одамларни рози қилиш, фаровон келажагимизга бўлган умид-ишончини мустаҳкамлаш, "Инсон қадрини" улғув-вор гоғси остида амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этмоқда.

Байрам арафасида яқин тарихимиздаги ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, баҳариланган ишлар, эришганларимизни сарҳисоб қилиб, ҳолисона баҳоладиган бўлсак, мақташга арзишлик ютуқларга эришдик. Биргина халқимизнинг асосий тирикчилик манбаи ҳисобланган қишлоқ ҳўжалигидаги муваффақиятларини санаб, адоғига етиш кўйин.

Тан олайлик, яқин-яқингача, асосан, хомашё етказиб берувчи аграр мамлакат ҳисобланган Ўзбекистон сўнгги йилларда кўпчиликнинг ҳавасини келтирадиган ўзгаришларга хос тўтди. Аввало, бу борадаги қўнунчиликни такомиллаштиришга эътибор қаратилди.

Жумладан, 2017 — 2021 йилларда 21 та қўнун, давлатимиз раҳбарининг 180 дан ортиқ Фармон ва қарорлари, ҳўкуматнинг қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган 200 га яқин қарорлари, шунингдек, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Мақсад соҳани иқтисодийнинг ҳақиқий драйверига айлантиришдир.

Норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар ижроси самарали таъминланиши мамлакатимизда сифатли ва арзон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтирди. Соҳада янги иш ўринларини яратиш устувор вазифага айланди.

Ердан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини очиб, фуқароларни иш билан банд қилиш мақсадида ўтган йили "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари"-га киритилган 613,5 минг нафар ёшга деҳқончилик билан шуғулланиш учун ер ажратиб берилди. Ушбу майдонларда 2 млн. тонна қўшимча маҳсулот етиштирилди.

Ҳаётга татбиқ этилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон 2020 йилда Глобал очлик индекси бўйича 100 дан ортиқ мамлакатлар орасида 30-ўринга эгалаб, 2017 йилдаги нисбатан 20 поғона кўтарилди. Энг асосийси, узоқ йиллар Ўзбекистон бошига тушув бўлиб келган "Мажбурий меҳнат", "Болалар меҳнати" деган таъна-дашномлардан бутунлай қутулдик. Турли чекловлар олиб ташланди. Хусусан, "Cotton Campaign" халқро коалицияси ўтган йили ўзбек пахтачисига жорий қилган ўн йиллик бойкотни тўхтади.

Шу ўринда аграр соҳада мулк шаклини ўзгартириб, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, худудларни тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб иқтисослаштириш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига мамлакатимизнинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспортдаги ўлуши ҳам йилдан-йилга ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.



Фикримиз тасдиғини бугун Ўзбекистон 80 дан ортиқ мамлакатларга мева-сабзавот экспорт қилаётганида кўриш мумкин. 2021 йилда қарий 1 млрд. долларлик 1,5 млн. тоннадан ортиқ мева-сабзавот ҳамда 60 млн. долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинди. Албатта, бу натижаларнинг барчаси истиқлол шарофати, заҳмат-халқимизнинг меҳнати самарасидир.

Умуман олганда, мустақиллик, истиқлол Яратганини халқимизга инъом этган энг улғу тўғрисида. Шу жиҳатдан, истиқлолимиз бардавомлигини кўз қорачиғида асраб-авайлаб, қадрига етқизишимиз лозим. Тинчлик ва осийиш-талиғимизни янада мустаҳкамлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Зафар АБДИРИМОВ,
Олий Мажлис Қўнунчилиги
палатаси депутати.

СПОРТ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ АСОСИ

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт комплексида парламент юқори палатаси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиғига бағишлаб ташкил этилган Сенат Раиси кубоғи — "Парламент ўйинлари" спорт мусобақасининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Ташаббус

Унда худудий босқичларда голиб бўлган сенаторлар, депутатлар, Ёшлар парламенти аъзолари спортнинг минифутбол, волейбол, стол теннисини ва бадминтон турлари бўйича ўзаро баҳс олиб борди.

Мазкур мусобақадан кўзланган асосий мақсад сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ҳамда Ёшлар парламенти аъзоларини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, спортни оммалаштириш ва уни янада ривожлантиришдан иборат. Қолаверса, спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Мусобақанинг кўйи босқичларида 4 минг 500 нафар депутат, шундан 420 нафар хотин-қиз иштирок этганини ҳам шундан далолат бериб турибди.

Профессионал ҳакамлар бошқарган финал баҳсларида 200 нафар иштирокчи минифутбол, волейбол, бадминтон ва стол теннисини бўйича голиблик учун кураш олиб борди.

Ҳалибарга Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Б. Сайфуллаев ва Сенат девони раҳбари А. Зияев кубокларни топширди. Шунингдек, улар Спортни ривожлантириш вазири ва Ёшлар ишлари агентлигининг совринлари, медаллар, дипломлар ҳамда мусобақа хомийси "Нил-гранит" (Само) МЧЖ совғалари билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

БЎЛҒУСИ ДИПЛОМАТЛАР СЕНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Яқинда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бир гуруҳ талабалари Олий Мажлис Сенатида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Учрашув

Парламент юқори палатасининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, туризм масалалари қўмитаси алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимов ҳамда сенатор А. Тўйчиев ёшларга Сенатнинг қўнунчилик фаолияти, парламент назорати ва халқро алоқалари хусусида гапириб берди.

Ошқ мулоқот шаклида бўлиб ўтган тадбирда, шунингдек, парламент юқори палатаси, унинг тузилмалари, хусусан, Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимов ҳамда сенатор А. Тўйчиев ёшларга Сенатнинг қўнунчилик фаолияти, парламент назорати ва халқро алоқалари хусусида гапириб берди.

Ошқ мулоқот шаклида бўлиб ўтган тадбирда, шунингдек, парламент юқори

«Халқ сўзи».

БУЮК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мустақиллик йилларида спорт соҳасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилди.

Натижада мамлакатимиз спортчилари жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида юксак галлабаларни кўлга киритиб, халқимиз саломатлигини бутун дунёга намойен қилмоқда.

Жумладан, яқинда Туркиянинг Конья шаҳрида ўтказилган V Ислом бирдамлик ўйинларида Ўзбекистон шарафини 24 та спорт тури бўйича жами 268 нафар спортчи ҳимоя қилиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади. Шунингдек, янги Ўзбекистон шон-шўҳратини бутун дунёга тарангун этиш йўлида ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти ва профессионал маҳоратини яққол намойен этган беш нафар валикамиз Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган Бу-

тунжаҳон 44-шаҳмат олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, дунё давлатларининг 188 та жамоаси орасида голибликни кўлга киритди. У ўрнида, бу мамлакатимизда "Инсон қадрини" улғув-вор гоғси остида олиб борилаётган оидилона сийосатини яна бир ёрқин намунаси бўлди, десак, асло муболага бўлмайд.

Шерзод РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қўнунчилиги
палатаси депутати.

АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

БУ БОРАДАГИ ИСЛОХОТЛАР МУАММОЛАРГА ЕЧИМ БЎЛА ОЛЯПТИМИ?

Яна санокли кунлардан сўнг Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиғини халқимиз катта хурсандчилик билан нишонлайди. Аслида нафақат 1 сентябрь, балки ўтаётган ҳар бир кунимиз учун шўқрона айтсак арзийди. Зотан, мамлакатимиз тараққиётда давом этияпти, тинчлик-хотиржамлик ҳўкмон, халқимиз ҳаёти фаровон. Айтинг-чи, бундан ортиқ бахт, бундан-да зиёд шодийна борми?! Йўқ, албатта.

Истиқлол сабаб одамларнинг яшашга бўлган муносабати, Ватан равнақига даҳлдорлик ҳисси, умуман, дунёқарашлар ўзгарди. Натижа эса қутилганидек: ҳар соҳада, ҳар тармоқда ривожланиш, ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, инсон қадрини улғулаш, уларнинг ҳақ-ҳўқуқларини, шу ўринда, хотин-қизлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилипти.

Мулоҳаза

Юртимизда кейинги йилларда гендер тенгликни таъминлаш соҳасида исчи ва самарали ҳаракатлар олиб борилди. Мазкур масала ҳақиқий демократик қадриятларнинг ажралмас қисми сифатида устувор мақсадлар қаторига кўйилди ва бу жиҳат мамлакатимизнинг янги тараққиёт йўлини белгилаб берган барча дастурий ҳўжатларга киритилди. Асосийси, хотин-қизлар ҳўқуқлари кафолатларини таъминлашнинг қўнунчилик мезонлари ҳам замон талабларига мос ҳолда такомиллаштирилмоқда. Бунда аёлларга нисбатан куч ишлатиш, айниқса, оиладаги зўравонликни бартараф этишга жиҳдий аҳамият қаратиляпти. Зеро, халқро ҳўқуқ ҳам давлатларга бу борада аниқ мажбуриятлар юклайди.

Мамлакатимизда оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бўйича сақизизта норматив-ҳўқуқий ҳўжат қабул қилинди. 2021 йил 9 декабрда имзоланган "Оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳўқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Қўнун шўлардан биридир.

Қўнун билан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни таъийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қўнунларга қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Натижада 2019 йилда "Хотин-қизларни таъийқ

тин-қизларга давлат ҳимоясини берувчи ҳўжат ҳисобланади. Ҳўш, ушбу ордер қимларга ва қандай вақтларда берилди?

Оилада эридан жабрланган, учинчи шахсларнинг зулмига дуч келган аёлларга, ота-онаси ёки бошқа шахсларнинг зулмига учраган (воғяга етмаган) қизларга; кўни-қўнчилар ўртасидаги келишмовчиликларда жабр қўрган, кўчада, ишда, ўқишда таъийқ ёки шилқимликка дуч келган, ҳўқуқбузарлик ёки жиноят қўрбони бўлган хотин-қизларга мазкур ҳўжат берилади.

Мамлакатимизда ҳимоя ордери жорий қилинганда "Бизда бундан ҳеч ким фойдаланмаса керак", деб ўйланганлар кўпчилики ташкил этганди. Чунки ўзбек аёллари ўз муаммоларини ўйдан нарига қўчиришни истамасликлари ҳаммага маълум. Бундан ташқари, аёлларга нисбатан зўравонликка қарши таъсирчан амалий механизмлар ҳам йўқ эди.

Рақамларга эътибор қаратсак, ўтган йил давомида 39 минг 343 нафар хотин-қиз бундай ордердан фойдаланди ва ўз ҳўқуқларини ҳимоя қилди. Бу, албатта, жамиятимизда аёллар орасида ҳўқуқий маданият юксалаётганидан, жойларда профилактика инспекторлари самарали фаолият олиб бораётганидан далолатдир.

Галдаги вазифа, бу — механизмининг янада самарали ишлатилиши таъминлаш ҳисобланади.

Миллий таъййқ ва халқро ҳамкорлик

Ўзбекистон БМТнинг шартномавий органлари, Хотин-қизлар тузилмаси, Тараққиёт дастури ва Аҳолишунослик жамғармаси билан гендер мавзусидаги бир қатор масалалар, жумладан, гендер зўравонликка қарши курашиш бўйича фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Утган йилнинг июнь-июль ойларида Ўзбекистон "Тенглик авлоди" глобал Париж форумида иштирок этди. Унда мамлакатимиз гендер зўравонликка барҳам бериш, репродуктив саломатлик ва хотин-қизларнинг иқтисодий ҳўқуқларини кенгайтириш каби мажбуриятларни қабул қилди.

Форум доирасида ўтказилган "Дунё ёғдуси" грантлар танловида Ўзбекистондан 4 та нодавлат нотижорат ташкилот — "Нихол", "Қалб нури" (Жиззах), "Истиқболли авлод" (Хоразм), "Фуқаролик та-

шаббусларини кўллаб-қувватлаш маркази" (Фарғона) грант соҳибни бўлиб, улар ҳозирда хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича манзилли ишлар олиб боришаётир.

Албатта, ҳар қандай соҳани такомиллаштиришда хорижий таъййқ ўрганиши ва уни маҳаллий шароитимизга мослаштирган ҳолда самарали татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Гендер тенглик ҳам бундан мустасно эмас.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича хотин-қизлар умумий сонидан 35 фоизи, яъни ҳар

ло, зўравонликка дуч келадиган хотин-қизлар бу ҳақда билиши лозим. Шундангина улар ўз ҳўқуқларини рўёбга чиқара олади.

2018 йилдан бошлаб бизнинг ҳаётимизга халқро амалиётдан "шелтер", яъни "хафсис жой" тўшунчаси кириб келди. Бу атама давтавал Зўрлик ишлатишдан жабр қўрган аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига нисбатан кўлланилганди. Ҳозирда улар аёлларни реабилитация қилиш марказлари, деб юриктилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги "Зўрлик ишлатишдан жабр қўрган хо-

“Ўзбекистон БМТнинг шартномавий органлари, Хотин-қизлар тузилмаси, Тараққиёт дастури ва Аҳолишунослик жамғармаси билан гендер мавзусидаги бир қатор масалалар, жумладан, гендер зўравонликка қарши курашиш бўйича фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

учинчиси зўравонликка дуч келмоқда. Бу дегани, ушбу муаммо жаҳондаги ҳеч бир мамлакатни четлаб ўтмаган. Шунга яраша бу масалани бартараф этиш йўналишида кўпгина мамлакатлар ўзига хос таъййқба эга. Бунда асосий тамойил — давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотларнинг жамоатчилик билан доимий алоқанда бўлишидан иборат. Чунки зўравонлик, ҳар қандай жиноят каби оғоҳлик ва шаффоқликдан "қўрқиди", зўравоннинг хатти-ҳаракатлари жамият томонидан қораланиши эса уни тўхтатишининг, пировардида келгусида олди олинишининг энг самарали усулидир.

Ўзбекистон ҳам турли мутасадди давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотларини ҳамда кенг жамоатчиликнинг бу йўналишдаги алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги илғор хорижий таъййқбарлардан фойдаланмоқда. Бу, айниқса, тегишли йўналишда қабул қилинаётган норматив-ҳўқуқий ҳўжатларнинг лойиҳаси устида ишлашда яққол намойен бўлмоқда. Хотин-қизларнинг ҳўқуқий салоҳиятини ошириш йўналишида ҳам янги таъййқбарлар кўлланилмоқда. Бу ҳам жуда муҳим, сабаби худди уша ҳимоя ордери ёки бошқа имкониятлардан фойдаланиш учун авва-

тин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори зўравонликка учраган аёлларга ёрдам тизимини яратиш, оилавий-маиший зўравонликнинг олдини олиш ва унинг муҳим оқибатларига барҳам беришга қаратилганлиги билан аҳамиятли. Унинг асосида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурда 29 та шундай марказ ташкил этилди. Шу пайтгача реабилитация марказлари нодавлат нотижорат ташкилотлари тарзида иш юритиб келган бўлса, эндиликда уларнинг фаолияти тўлиқ Давлат бюджетига ҳисобдан молиялаштирилади. Бу эса таъийқ ва зўравонликдан жабрланган, ўз жонига суиқасд уюштирган ёки қасд

қилишга мойил бўлган шахслар билан ишлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини аналтади.

Таҳлиллар нимани кўрсатди?

Шу ўринда статистикага мурожаат қилайлик. Ўтган йилда марказларга 7 минг 869 нафар фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг 7 минг 103 нафари аёл, 302 нафари эркак бўлди. Марказлар томонидан мурожаат этганларнинг 2 минг 538 нафарига ҳўқуқий, 3 минг 605 нафарига психологик, 80 нафарига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, 190 нафарига тиббийёт муассасасига юбориш, 951 нафарига бошқа масалаларда кўмак қилинди. 218 нафарига ҳимоя ордерини олиб беришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Демак, ҳозирда ҳар бир вилоятда фаолият йўлга қўйилган бундай марказлар зўравонликка дуч келган хотин-қизларга шўшилини амалий ёрдам кўрсатиш, руҳий ва жисмоний саломатлигини, айрим ҳолларда ҳатто ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилмоқда.

Аслини олганда, бир қарашда оламшўмул кўринмаган бу ҳолат гендер тенгликни таъминлаш соҳасида олди борилаётган ишларимиздаги катта натижалардан бири. Чунки айнан шу марказларнинг самарали фаолияти эндиликда кўплаб жабрдидаларга шўнчаки ёрдам кўрсатиш эмас, балки уларнинг ҳаётини тўдан яши томонга ўзгариштириш таъминлайди. Улардан аёллар нафақат кўмак олади, балки янги билимлар, ҳаттоки касбларни ўзлаштириш ёки ўз бизнесини бошлаш имконига эга бўлади. Шу жиҳатдан ушбу тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш зўравонликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этади.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси,
Фозилжон ОТАХОНОВ,
Олий Мажлис ҳузурдаги Қўнунчилик муаммолари ва парламент тодқиқотлари институти директори,
юридик фанлар доктори, профессор.

ХАЛҚИМИЗ ҲАҚҚИГА ҚИЛИНГАН ДУОЛАР БАРЧАМИЗГА СУРУР, ИЛҲОМ БАҒИШЛАДИ

Базилар Байғамбаримиз Масжидун Набавийга дафн этилган, деб адашади. Бунга раваз билан қабри алмаштириб юборишлар сабабдор. Раваз нима дегани? Бу — ўзбекчасига "боғ" дегани. Бу ерга зиёратга келишдаги асосий максадлардан бири равазда намоз ўқишдир. Байғамбаримиз алайҳиссалом "Менинг уйим билан минбаримнинг ораси жаннат боғларидан бир боғ", дедилар. Тасаввур қилинг, ўша равазда намоз ўқисангиз, жаннатнинг бир боғида намоз ўқигандек бўласиз. Бу ерда дуолар қабул бўлади. Бу ерда бошқача бир файз бор. Зиёратчилар мана шу равазда намоз ўқиганларидан сунг, Байғамбаримиз алайҳиссаломнинг қабрларини зиёрат қилиб ўтидилар. Расулимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дафн қилинган жой Байғамбаримиз алайҳиссалом яшаган ҳужра. Яъни "Ҳужраи саодат"дир.

Бизнинг ҳақиқатимизда алайҳиссаломнинг ҳақиқати ҳақиқатдир. Яъни "Ҳужраи саодат"дир. Байғамбарларнинг жасадларини ҳеч қачон ер емайди, қиёматга ҳақиқатдан туради. Расулимиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан: "Ким мени зиёрат қилиб, менга сано айтса, менинг руҳим қайтади ва унинг саломига алик оламан", деган мазмундаги ҳадис бор.

Домла айтганидек, ўзбекистонлик зиёратчилар равазда намоз ўқишади. Боғларга, яъни библида: бу жуда таъсирли ҳолат. Равазда — гўё жаннатнинг бир парчасидек турибсиз. Бу жойда бўлган одам ўзи билан ўзи бўлишни бошлайди. Барча нарсани унутди.

Инсон ана шундай туйғуларни ҳис қиладиган жойда муфтий Президентимиздан "Бу ер дуола қабул бўладиган жой. Дуо

Ўзбекистон — Саудия Арабистони:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида юртимизда эзгу ниятлар билан пойдевори қўйилаётган янги Уйғониш даврининг ёрқин саҳифаларга бой улуг тарих китоби яратилмоқда.

Бу тарих китоби ўзининг турфа саҳифа ва боблари билан ҳар қандай инсонни беихтиёр ўзига ром этади. Бугунги кунда эришилаётган оламшумул натижалар келгуси авлодларга муносиб мерос сифатида хизмат қилади.

Мушоҳада

Юртобонининг кейинги беш йилда илм-фан, таълим, маънавиятни ривожлантириш йўлида қабул қилган барча қонуни ҳужжатлари, илгари сурган фоя ҳақида ташаббусларини жиддий ўйлаб тадбир қилсак, дўпмини ечиб қўйиб, мулоҳаза юритсак ҳам, навбатдаги Ренессанснинг олий нуқтаси — янги Ўзбекистон бўлишига ҳеч қимда шубҳа қолмайди, чамамда.

Сиз билан олис бўлса-да миллионлаб мусулмонларни ўзига оҳанрабодек тортидиган, умрида бир марта ба борини орзу қилдиган, бори келганлар эса сафари яна тақдорланишни истаган муқаддас Ҳижоз диёри шаҳарлари Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара ҳақида, шунингдек, у юртининг жонажон Ватанимизга болганан ришталари тўғрисида ҳикоя қиламан.

Бу икки муқаддас шаҳар азал-азалдан нафақат илм-фан ва ибодат ўчоғи, балки савдо-тижорат йўлига сифатида машҳур бўлиб келган. Саудия Арабистони Подшоҳлиги жонажон Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан биридир. Утган йил охирида Ўзбекистон ҳамда Саудия Арабистони ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланди. Зотан, Саудия Арабистони Ўзбекистонни ислом цивилизацияси "бешикларининг" энг олий макони, деб ҳисоблайди. Хар икки мамлакатни ўзаро яқин тарихий, маданий ва маънавий қадриятлар



риштаси боғлаб туриши ҳам айни ҳақиқатдир.

Яқинда Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг тақлифига биноан Президентимиз давлат таширфи билан мусулмон дунёси марказида бўлиб келди. Мазкур тарихий таширф мамлакатларимиз иқтисодий салоҳиятини янада ёрқин намоян этиши ҳамда мавжуд қўшимча имкониятларни юзага чиқариш, муктабат айтганда, ҳамкорлик муносабатини янада юксак даражага кўтаришга хизмат қилади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бу ҳақида дунё экспертлари ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирипти.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, дунёнинг кўпбал мамлакатлари, жумладан, ислом давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрната бошлади. Шу маънода, истиқлолнинг илк йилларида бошлаган Ўзбекистон билан дипломатик муносабатга киришган давлатлардан бири, бу — Саудия Арабистони Подшоҳлиги эканини алоҳида ёдга олишимиз лозим.

Шубҳамасизки билан ҳамкорликни ривожлантириш янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Саудия Арабистони Ўзбекистоннинг нафақат араб-мусулмон мамлакатлари, балки бутун дунёда катта нуфузга, молиявий-иқтисодий салоҳиятга эга бўлган муҳим шериги ҳам ҳисобланади.

Мамлакатимиз ва Саудия Арабистони ўртасида иқтисодий ҳамда сиёсий, илм-фан, таълим ва қурилиш соҳаларидаги шериклик ҳам сезиларли натижалар кайд этилмоқда. Айниқса, иқтисодиёт тармоқлари, савдо ҳамда техника соҳаларидаги алоқаларда сезиларли фаоллик кузатиляпти.

Президентимизнинг Саудия Арабистони Подшоҳлигига давлат таширфи доирасида умумий қиймати 14 млрд. доллардан ортиқ бўлган йирик келишувлар имзоланди. Биргина Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири билан Саудия Арабистони Энергетика вазири билан Саудия компаниялари ўртасида умумий қиймати 12 млрд. доллар бўлган йирик келишувларга эришилди.

Сўнги 5 йилда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги савдо ҳажми 1,2 баравар ошганлиги экспертлар томонидан борада янги давр бошланганлиги билан изоҳланади. 2021 йил якунида ушбу мамлакатдан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 1,5 млрд. доллардан ортиқни ташкил этди. Сўнги 5 йил ичида Ўзбекистон Республикасида Саудия Арабистони капитални иштирокида фаолият юрятаётган корхоналар сони 4,1 баробар ошди, ўттиз саккизга етди.

Ўзаро музокаралар чоғида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Жорий йил якунигача 1,6 миллиард долларлик ўта муҳим лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича кўп миқдордаги шартнома имзоланди. Саудия Арабистони ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги яқин келажикда ҳам кенгайтирилади.

турларни молиялаштиришни маъқуллаш назарда тутилган алоҳида дастур қабул қилинди. Шунингдек, "ACWA Power and Air Products" компанияси билан Ўзбекистонда "яшил водород" бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш ҳамда кейинчалик ишлаб чиқаришга йўналтириш юзасидан иккинчи ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Саудиянинг "ACWA Power" компанияси ўртасида имзоланган инвестиция шартномаси ҳамкоримиз томонидан мамлакатимизда иссиқлик электр станциясини лойиҳалаш, молиялаштириш, қуриш ва корхонанинг 25 йил мобайнида фаолият кўрсатишни таъминлаш бўйича меъерларни белгилаб берди. Лойиҳага "ACWA Power" 1,2 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган бўлди.

Ўзбекистон ва Саудия шериклигининг ҳуқуқий асоси 20 дан ортиқ ҳужжатлардан ташкил топади. Ҳаҳ ва умра зиёрати бўйича ҳамкорлик шартномалари ҳар йили янгиланиб борилади. Ҳукуматларро ва идораларро халқро шартномалар қатори иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган келишувлар аҳамияти ҳам ошиб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Юртобонимиз Саудия Арабистони таширфини Мадинаи мунавварадан бошлади. Мусулмон оламнинг энг муқаддас масжидларидан бири бўлган Масжидун Набавий ҳудудидаги байғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам дафн этилган Равази Муборак зиёратини амалга оширди ва икки ракат намоз ўқиб, дуо қилди. Жонажон Ўзбекистонимизнинг барча халқи номидан Байғамбаримиз алайҳиссаломга саловату саломларни етказди. Мақша шаҳрида давлатимиз раҳбари таширфига Саудия Арабистони ҳукумати томонидан ҳуда катта таъйиқлиқ ишлари олиб борилганлигини оммавий ахборот воситалари орқали қузабти турдиқ. Умуман, зиёрат билан бошланган таширф, ибодат

"Яшил иқтисодиёт", оқори технологиялар ва рақамлаштириш, инновация, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига алоҳида эътибор қаратилиши режалаштирилди. Энг асосийси, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро кўп қиррали ҳамкорлик янада кенгайтирилди. Икки томонлама имзоланган ҳужжатларнинг салмоқли мажмуаси бағли музокаралик икки халқ ўртасидаги кўп йиллик дўстлик, биродарлик тамойилига асосланган алоқалар кўламини янада кенгайтиришга шубҳа йўқ.

Яна бир янгилик. Ўзбекистон Саудия Арабистонининг энг йирик — Подшоҳ Абдулазиз университетини билан ўзаро ришталарни йўлга қўйди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу мамлакатга амалга оширган икки кунлик давлат таширфи давомида икки давлат олимлари ҳамкорлигида қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириши, олимларни стажировкаларга юбориш ва ўзаро тажриба алмашиш масалалари бўйича ҳам келишиб олинди.

Мамлакатимиз тарихига назар соладиган бўлсак, бағина 1990 йилда 750 нафар мусулмонга ҳажга боришга ружат берилган бўлса, 2016 йилда 5 миңг 200, 2017 йилда 7 миңг 200, жорий йилда 12 миң нафардан ортиқ юрдошларимиз муборак ҳаж ибодатларини тўла-тўқис бағариб келишди.

Муҳиддин КАЛОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ГАРОВИ

Мустақиллик! Бу калом нақадар салмоқдор, нақадар қалбга яқин, аждоқларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-мақсадларига ҳамоҳанг. Биз истиқлолга 130 йиллик қарамликка қарши ошқора ва пинҳона курашларимиз натижасида эришдик. Бир томчи сувада қуёш акс этганидек, шундай кунлар бўладики, улар моҳиятига қўра асрларга тенглашади. Миллат, жамият, бутун бир мамлакат, неча-неча авлодлар тақдирини белгилаб беради. 1991 йилнинг 31 августи тарихимиз солномасида худди шундай мўътабар кун сифатида муҳрланган. Зеро, Мустақиллик — аждоқларимиз орзусининг рўёби, авлодларимизнинг порлоқ келажиги гаровидир.

Нуқтаи назар

Буюк Амир Темурнинг "Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилган" деган кўна философияси барча эзгу ишларнинг ибтидоисига ишора. Шу маънода, Мустақиллик халқимиз учун янги тарихий даврнинг бошланиши бўлди. Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишлар амалга оширилди. Мард ва олижаноб халқимизнинг буқилмас иродаси ҳамда улкан салоҳияти билан катта марралар забот этилди. Кўна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчиллигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби фазилатлар, миллий ва умумбаъшарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдирини ва келажакни дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг туб-тубидан ўрин олди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигини нишонлаш арафасида, ўтган давр мобайнида босиб ўтилган йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, амалга оширилган ишлар, эришган натижаларни холисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг онгу шуурига етказиш мақсада мувофиқдир. Дарҳақиқат, истиқлол туғайли ўзлимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоян қилиш имкони очилди. Озодлик боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, гайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шукрати олам узра янада кенгроқ ёйилмоқда.

Ҳуррият берган беқеъс имкониятлар неғизда эртанги кунимиз — эркин ва фаровон келажакимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Утган даврга назар солар эканмиз, сўнги олти йилликда Ўзбекистон ўз тараққийнинг янги босқичига қадам қўйганини қайд этиш лозим. Бу ўринда Президентимизнинг сиёсий иродаси, миллий давлатчиллигининг энг яқин анъаналарига содиқлик баробарида, давлат ва жамият ҳаётига янги бир нафас,

лик ҳисси пайдо бўлмоқда. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиб йўлида халқимиз ўз етакчиси атрофида жипслашиб, янги бунёдкорлик марраларини забот этмоқда. Энг муҳими, улар қалбига "Шу Ватан меники, шу Ватани ошқора эъти меннинг вазирам!" деган туйғу бўй кўрсатаётир. Хусусан, камина раҳбарлик қилаётган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ҳам ёшларни, аввало, ўз касбига садоқатли, миллатсевар ва ватан

“Утган даврга назар солар эканмиз, сўнги олти йилликда Ўзбекистон ўз тараққийнинг янги босқичига қадам қўйганини қайд этиш лозим. Бу ўринда Президентимизнинг сиёсий иродаси, миллий давлатчиллигининг энг яқин анъаналарига содиқлик баробарида давлат ва жамият ҳаётига янги бир нафас, янги бир руҳ бахш этганини алоҳида таъкидлаш лозим.”

парвар кадрлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Асосий мақсадимиз миллий тилимиз ва миллий қадриятларимизни жаҳон майдонига кенг тарғиб этиш, унинг қўлини доира-сини кенгайтириш ва Ўзбекистоннинг замонавий дунёдаги ижобий имижини янада яқинлашга муносиб ҳисса қўйишдан иборат.

Юртобонимизнинг университет жамоасига билдирган ишончи бизни ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз сари дадил қадам ташлашга ундади. Зиммамизга юклатилган глобал вазифалар қаторида олий ўқув юрти миллат ва маънавиятимизни жаҳонда тарғиб этувчи халқро университет макрми учун курашмоқда. Ҳуж даргоҳи миллий рейтингинда 2017 йил 44-ўринда бўлган бўлса, 2018 йилда — 14, 2019 ва 2020 йилларда 9-ўринни эгаллади. 2021 йили эса 6-ўринга кўтарилди. Жорий йилда муҳим тарихий воқеа — жаҳон рейтингларида ҳам яқин натижалар қайд этилди. Жумладан, "Times Higher Education" (THE) халқро

рейтинг агентлиги томонидан эълон қилинган жаҳоннинг нуфузли университетлари ("THE Impact Rankings — 2022") рейтингинда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети "топ 1001+" университетлар рўйхатига киритилди.

Биз жонажон таълим максадини мустақиллик берган имконият ва муқофот сифатида қадрлаймиз. Зотан, миллатимиз фах-шарфи билан биргача, унинг сиёсий ва маънавий қадриятларини қўқиб қўлини доира-сини кенгайтириш ва Ўзбекистоннинг замонавий дунёдаги ижобий имижини янада яқинлашга муносиб ҳисса қўйишдан иборат.

Бугунги кунда университет ташаббуси ва бевосита ҳамкорлигини даққ, Германия, Ҳиндистон, Туркия, Россия сингари давлатларда ўзбек тилини ўргатувчи, ўзбек маданиятини тарғиб қилувчи марказлар фаолият олиб бормоқда. Ҳуж даргоҳимизда ҳоржондаги 15 та олий таълим муассасасининг тўрдош йўналишлари учун таянч ҳисобланади. Университетнинг тил марказида озлаб хорижийликлар ўзбек тилини ўрганишган ва ўрганишмоқда. Таълим даргоҳи билан ҳамкорликда "Марказий Осиёни ўрганиш тадқиқотлари маркази" (Франция), Санкт-Петербурғ давлат университети (Россия), Москва давлат лингвистика университети (Россия), Жамаия университети (Япония), Жамия Миллия Ислами университети (Ҳиндистон), Пекин марказий миллий университети (Хитой), Қозон давлат университети (Рос-

Биз ва жаҳон

ФИНЛЯНДИЯ МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ ФОНДЛАРИДА ЎЗБЕКISTON ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИГА ОИД 300 ДАН Ортиқ КўлЭЗМАЛАР АНИҚЛАНДИ

Бу ҳақида мамлакатимизнинг Финляндиядаги элчиси Қадимбой Султонов ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университети кафедр мудири, профессор Гулноз Халлиева учрашуви чоғида маълум қилинди.

Таниқли олим Гулноз Халлиева 1 — 26 август кунлари Финляндияда бўлиб, Инновацион ривожланиш вазирлигининг "Европа фондарлида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий кўлЭзмаларнинг маълумотлар базасини ва "Yevroticologiya.uz" электрон платформасини яратиш" грант лойиҳаси доирасида тегишли кўлЭзмаларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Ташаббус давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган. Мазкур ҳужжатда кўлЭзмаларни асраб-авайлаш, тиклаш, мавжуд фондарни тўлдирши, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг тархий манбалар билан ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, тархий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб қилиш, шу асосда аҳолини, биринчи навбатда, ёш авлодни буюк маънавиятга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар самарадорлигини тубдан кенгайтириш бўйича долзарб вазифаларни амалга ошириш қўзда тутилган.

Финляндия Миллий кутубхонасида олиб борилган илмий изланшлар натижасида ўзбек олимиз бу ерда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданиятига оид 300 дан ортиқ кўлЭзма асарлар мавжудлигини аниқлашга муваффақ бўлди. Улардан 11 таси Ўзбекистонда ўқашни бўлмаган сўфийлик лугатарининг кўлЭзма нусхалари, фойдали ўтлар хусусиятлари тавсифи ва бошқа қимматли материаллардан иборатдир.

КўлЭзма тадқиқотлари соҳасидаги таниқли мутахассис Гулноз Халлиеванинг айтишича, энг қимматли топилмалардан бири қадимий Хоразм тарихига оид бўлиб, Мунис ва Оғаҳийнинг қаламига мансуб "Фирдавс ул-қибол" асаридир. Манбаларга қараганда, ушбу асарнинг 9 та кўлЭзмаси маълум бўлиб, Финляндияда сақланаётган нусхаси 1 812 саҳифадан иборат.

Учрашув якунида Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, урф-одатлари ва маданиятига оид илгари номаълум бўлган кўлЭзмалар ва бошқа манбаларни аниқлашга бағишланган Ўзбекистон — Финляндия семинарини ташкиллаштириш, шунингдек, қатор тематик материалларни нашр этиш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

«Дунё» АА. Рига



ТАРИХНИНГ МЎНГЛИ САҲИФАСИ

1975 йили Ойбекнинг "Мукамал асарлар тўплами" нашр этила бошланганда цензура шоирнинг қуйидаги сатрлар билан бошланган шеърини 1-жилддан олиб ташлаган эди:

*Гулаҳанга отдилар дўстлар китобим,
Йиғлаб, қалбларидан тўқдилар кўз ёш.
Қоғозлар-ку ёнди, ёлмида шеърим,
Қалб сўзи — олтин сўз, унда кўп бардош...*

Бу мисраларда қонли ва суронли 1937 йилда содир этилган дахшатли манзаралардан бири тасвирланган. Кимнинг уйдан Беҳбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари "халқ душманлари"нинг асарлари, фотосуратлари, хатто араб имлосида битилган босма ва кўлэзма китоблар чиққудек бўлса, НКВД ходимлари шу кишини оёғини ерга теккизмасдан олиб кетиб, маҳбуслар билан тулиб-тошган камераларга ташларди. Манглайига "халқ душмани" тамғаси урилган улуғларнинг

китоблари, улар асарлари босилган газета ва журнал тахлавлари, суратлари ёқиб юборилди. Шу шайтон қутурган қунарда минглаб китоблар — Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари давлат, фан ва маданият арбобларининг асарлари қулга айлантирилди. Шундай ишни қилишга мажбур бўлган кишилар бир неча кун уйку нималигини билмай, изтироб чекиб яшайди.

XX асрдаги шу инквизиция кунларига ўзбек халқининг миллий бойлиги бўлган миллионлаб китоблар қулга айлантирилди. Булар — китоблар-ку! Ушбу китобларни ёзган халқнинг интеллектуал бойлиги ҳисобланган олимлар, шоирлар, санъаткорлар, давлат, фан ва маориф ходимлари-чи! Улар эндигина шаклланиб, янги ўзбек фани, таълими, адабиёти, театри, музыкаси, тиббиётини яратиб, Ўзбекистонни ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлига олиб чиқаётган муътабар кишилар эди.

Ватанимиз ва халқимизнинг қир асрлик тарихини варақлаган киши мазкур муаззам юрда Алишер Навоий ва Улугбек, Беруний ҳамда Ибн Сино каби оламшумул шоир ва олимлар яшаганини, Самарқанд, Бухоро ҳамда Хоразм сингари шаҳарларда эса инсон ақли бовар қилмайдиган буюк меъморий обидалар барпо этилганини ўқиб, қанчалик хайратга тушса, қарийб шундай сиймолар ва меъморий обидаларни яратган халқ ҳамда мамлакатни ҳонавайрон қилган даврлар бўлганини кўриб, шунчалик куйиниши, хатто изтироб чекиши аниқ.

Рус истилоси даври

Талабалик йилларида бизга сабоқ берган домлар орасида Н. Перепелицина деган рус аёли ҳам бўлган (Унинг қайси фандан дарс берганини эслолмайман). У нима учундир кўпроқ рус аскарларининг Урта Осиёни босиб олишига доир халқ ривоятларини завок билан сўзлаб беради.

Рус истилоси бошланган кунлардан бирида рус пиеда аскарлари ротаси бир қишлоққа кириб келибди. Рота командири ўтхат, рус тилини чала-чулла билган бир ўзбекни топди, ўпка қишлоғига кетаётганлари ва шу қишлоққа қанча масофа қолганини сўрабди. Шунда боғи ўзбек: "Ўпка қишлоғига уч-тўрт қақирим йўл қолди. Хозир сизлар Хикилдок деган қишлоққа келдингиз", деб жавоб берибди.

Перепелицина шу ривоятни айтиб бўлиб: "Халқнинг донолигини қаранг-а! Эҳтимом рус аскарлари келган қишлоқнинг номи ўзгача бўлиши мумкин, аммо боғи ўзбекнинг "Хикилдок"қа келдингиз", деганида қандай катта маъно бор! Ўзбек халқининг фольклори халқнинг дилидаги аниқ гапни бошқа кишининг дилини оғритмайдиган тарзда шундай назокат билан, ҳазил аралаш айтади", деган эди.

Рус босқинчилиги даври аввалги босқинчилик даврларидан, аввало, шу билан фарқланадики, рус армиясининг Марказий Осиёни, жумладан, Туркистонни забт этишдан мақсади фақат шу ҳудуддаги ер ости ва ер усти бойликларини ташиб кетиш эмас, балки Россиянинг тасарруфига айланган Туркистон орқали Ҳинд океанига чиқиб, шу орқали мамлакатларни ҳам мустамлакага айлантириш, қудратли империя барпо этиш эди.

Чор Россияси ва унинг вориси Шўро Россияси Марказий Осиёни, хусусан, Туркистонни босиб олишдан мақсади маҳаллий аҳоли ҳаётини маърифат нурлари билан ёритиш, деб келган. Аммо маърифатнинг никоб эканлиги кейин маълум бўлди. Туркистон ҳар икки Россия учун битмас-туганмас ҳазина эди. Бу ҳазинадаги бойликни халқнинг норозилигисиз ташиб кетиш учун юрагида исён туйғулари жўш ура бошлаган кишиларни турли баҳоналар билан қамаш, сургун қилиш, дорга тортиш лозим эди. Хар икки Россия умрининг охиригача шундай сиёсати олиб борди.

Давр ўтиши, халқ басират кўзларининг очилиши билан қатагон бир неча ўлкаларни ўз тасарруфига тортиб, СССР номи билан Шўро Россиясининг миллий республикалариди асосий сиёсати даражасига кўтарилди.

Маърифатнинг икки хил талқини

М. Беҳбудий, Мунаввар қори сингари пешқаддам зиёлиларимиз XX асрнинг ўнин-

чи йилларидаёқ Туркистонда хур ва ривожланган мамлакатни барпо этиш учун истеъдодли ёшларни Европанинг тараққий этган мамлакатларига юбориш лозим, деган ғояни ўртага ташлаган эди. 20-йилларнинг бошларида Қўқон, Бухоро ва Хива хонлиқлари ўзаро бирлашиб, Туркистон Республикасини ташкил этиш имконияти тугилганида, айниқса, Бухоро амирлидан қолган, шўро давлати олиб кетишга улгурмаган тиланинч мавжудлиги туркистонлик етмиш нафар ёш йигит-қизни Германияга ўқишга юборишга шароит яратди.

Биз, қатагон даври тарихчилари шу ҳақда — ўзбек ёшларининг олмон юртига ўқишга юборилгани ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилганмиз. Шунинг учун ушбу мақолада Туркистоннинг чекка ўлкасида туғилган Марям Сатторовани тўғрисида бир неча сўз айтмоқчимиз, холос. Бизнинг бу ажойиб аёлга эътибор қаратмоқчи бўлганимизнинг боиси шундаки, Германияга борган талабалар орасида қамоққа олинган даврида ҳам, "озодлик"қа эришган даврида ҳам Марям аядек азоб-уқубат чеккан, аммо том маънода инсон бўлиб қолган бошқа кишини топиш қийин.

Урган шахрининг олис қишлоқларидан бирида туғилган Марям Сатторованинг отаси Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг фаолларидан бири бўлгани учун қизини тараққийпарварлик руҳида тарбиялаб, Марям 1919-1920 йилларда Тошкентга келиб, шу ердаги маориф мактаб-гимназиясида, 1921-1922 йилларда эса Оренбургга бориб, педагогика институтида таҳсил олади. Аммо уни Германиядаги Берлин ва Дармштадт шаҳарлари кутаётган эди. У ярим йил мобайнида немис тилини ўргангач, Дармштадтдаги "Викториа" ўқитувчиларни тайёрлаш семинарига ва бошқа жойларда ўқиб, ҳам педагог, ҳам шифокор, ҳам журналист бўлиб шаклланди. Аммо у она Ватанига қайтиб, "Гулистон" журналида рус ва немис тилмост адабиёти классикларига бағишланган мақолалари билан эл-юрт хурматини қозонган пайтда, 1937 йили Германиядаги "Туркистон" жосуслик ташкилотининг азъоси сифатида қамоққа олинди.

Узоқ давом этган тергов М. Султонмуродова (Сатторовани) ЎзССР Жиноят кодекси 57-моддасининг 1-қисми (Ватанга хиёнат, давлат сирларини фож этиш), 58-моддаси (куролли қўзғолонга дарват), 64-моддаси (совет давлатига қарши ҳаракат) ва 67-моддаси (активлик билан ташкилотга аъзолик) бўйича айбонлиб, 10 йил муддатли қамок жазосига ҳукм қилинди. Эндигона 32 ёшга тўлган аёл Тошкент қамоқхонасидан ташқари, шўро давлатининг Қозон ва Суздаль шаҳарларидаги турмаларида, Магадандаги "Дальстрой" қурилишида азоб-уқубат чекиб, 1947 йил 13 сентябрда озодликка эришди. Лекин унга на Тошкент, на Урганч шаҳарларида яшаш имконини беришди. Агар у рус-тузем мактаби ёки Москвадаги Шарқ меҳнатқашларининг коммунистик университетига таълим олганида Тошкент ёки Хоразмдаги нуфузли муассасаларда ишлаган, йилдан-йилга хурмат ва мартабаси ошииб борган бўлар эди. У Москва назарида, марксизм ғоялари билан сугорилган маърифат эмас, балки капитализмнинг захарили маърифати асосида шаклланган педагог эди.

Ҳолбуки, Европадаги, жумладан, Германиядаги урта ва олий ўқув юрталарида тахсил олган талабалар азиз вақтларини сохта назарий билимлар (сафсата)ни эгаллашга эмас, балки фундаментал фанларни ўрганиб, малакали мутахассис бўлишга бағишлаган.

М. Султонмуродова 10 йиллик жазо муддатини ўтаб, бошқа қатагон қурбонлари сингари Ватанига қайтган, "Гулистон" журналида журналист сифатида ишлаш бошлади. Лекин орадан кўп ўтмай, яна қамоққа олинди. Бу сафар Сталиннинг ўлими уни абадий музликлар ўлкасида абадий қолишдан сақлаб қолади.

«Кўзларим ҳаётда ўлим ахтарим...»

Камина юқорида М. Султонмуродованин бошқа маҳбуслардан ҳам кўпроқ азоб чекканлигини айтдим. У қамоққа олинган куниеқ тахрирлана бошлади. Терговчилар билан савол-жавоб соатларида, бир қамоқхонадан иккинчи қамоқхонага қўчиш вақтида ва энг катта азобни яқингинада театрларга бориб, истироҳат боғларида рафиқалари билан маданий ҳордиқ олиб юрган ватандошларининг Магаданда тўрт букилиб ишлаётганини кўрганида зулм билан ҳақорат ўртасида, калтакланиш билан тахрирланиш ўртасида ҳеч қандай фарқнинг йўқлигини ўз кўзи билан кўрди. Булар ҳаммаси зулмининг кўринишлари эди...

Ойбек 1937 йилда ҳам, 1951 йилда ҳам қамоққа олинмай қолади. Айрим "қатагон-шунослар"нинг ёзишларича, у давлат агентларини олиб, Фанлар академиясига академик, Олий Советга депутат бўлиб, "кекириб" яшади. Агар шоирнинг шу йилларда ёзган, аммо цензура ўтказмаган шеърларини ўқисак, улардан қон хиди анқиб, фарёд овози эшитилиб тургандек бўлади. Ойбекнинг қуйидаги шеърини ўқган киши унинг ҳам маҳбуслик азобини кечирган кишилардан кам озор кўрмаганига амин бўлади:

*Майли, мен энг хор-зор бир одам бўлай,
Майли, мен минг қуфат, гамга кўмайлай,
Майли, мен оғуни ҳар дамда ютай,
Лекин юрагимга чан солма гадор!
Зулма буйсуниш нақадар оғир,
Йиқилми жаҳаннам оташи гажир,
Кўзларим ҳаётда ўлим ахтарим,
Зулми енгмасанг — нима чора бор?*

Шу йилларда дўзах азобини бошидан кечирган маҳбусларнинг бири қисми, масалан, Давлат Ризаев ёки Иzzат Султоннинг акиси Файзулла Султонов ўз жонларига қасд қилишга мажбур бўлишган. Лекин, маълум бўлишича, зулмин ҳам енгилш мумкин экан...

Шунча зулмин кўравериб, тоқати тоқ бўлган Марям Султонмуродова 1954 йили озод этилиб, Сибирнинг бир пайталр ота-боболаримиз яшаган Катта Улуғ қишлоғидан онасига йўллаган хатида бундай сўзлар хайқириб туради:

*"Азизларим! Бизлар бугун сургундан бўшадик, уй ва молларни ўз баҳосига сотиб олсак, октябрь ойларида кетамиз.
Онажон, Сизни жуда соғиндим.
Пўлатжон, Анорхон, Гулчехра ва жиянларимни ҳам соғинаймиз
айтишга тилим, ёзишга қаламим
оғизлик қилади. Не қилай, фаланиннинг гардиши шу экан... Жисим бу ерда-ю қалбим Сиз томонда.*

Онажон, чидайман. Хали иродани хеч ким синорга олмади. Насиб этса, уйга борганимдан сўнча халқим бахт-саодати, гўзал турмуши ва осойишталиги учун жон фидо этиб, охириг кучим қолгунча ўз мақсадларимнинг рўёба чиқиши учун курашасанман. Ўзимнинг ижодий истеъдодим ва бутун қобилиятимни халқимга, она Ватанимга бахшида этиб, то умримнинг сўнги дақиқаларига қадар хизмат қилажасанман..."

Ҳар қандай зулматли кечани қуёш янглиг ёритиб юборадиган бундай сўзларни роман ёки пьеса қаҳрамони эмас, балки шўро дўзахидан соғ-омон чиққан, том маънода "қаҳрамон", деб аташимиз мумкин бўлган собик маҳбуса аёлнинг айтгани, камна қалбини, айниқса, тўқилантириб юборди.

Рус босқинчилиги даврларида зулмга

қарши курашган ва шундай курашдан қолган қишқирган ватандошларимизни қаҳрамонлар, деб атамасак, кимларни бундай шарайлаймиз?! Марям Султонмуродова шундай қаҳрамонларимиздан бири ва биринчиси:

Абдулла Қодирий ва Ҳинд табиби

Улуғ ўзбек адаби Абдулла Қодирийнинг 1937 йил 31 декабрда қамоққа олиб кетилганидан кейин узоқ вақтга ундан хат-хабар бўлмаган. Нафақат унинг оила аъзолари, балки "Уткан кунлар"ни ўқиб, адибнинг чин маънода мухлиси бўлиб қолган минглаб китобхонлар ҳам унинг тақдири билан қизиқиш яшаган.

1937-1938 йилларда ҳибса олинган айрим маҳбуслар оқланиб ёки жазо муддатини ўтаб келганлар орасида Абдулла Қодирийни кўрганлар ҳам, "кўрганман", деганлар ҳам бўлишган. Шундай кишилардан бири Тошкент тиббиёт институтининг Хирургия кафедраси мудири Содиқ Алиевнинг қуйидаги хотираси адиб тақдирига оид маъхум масалаларга бир оз ойдинлик киритади:

"1937-1938 йиллар миёнасида мен ҳам сиёсий маҳбус сифатида Тошкентда, НКВД турмасида ўтирганман... 1938 йилнинг бошларида бўлса керак, тун яғрида эшигимиз қулфи очилди, камерамизга бир кишини киритиб юбордилар. Ҳамма: "Яна ким келди?" деб бош кўтариб қаради. Келган киши 40 — 50 ёшлар орасида, соч қўйган, устида қизил пахталик тўн, оёғида қаллиш-маҳси, қўлида қичкина тўшаги бор эди. Мен у кишини танимадим. Аммо ёнимда ётган Муборак Шохов дарҳол табиб, деди: "Бу келган киши Абдулла Қодирий бўлади. Бу одамга ётиши учун амаллаб жой ажратиб бериш керак". Муборак билан шикимиз икки ёққа сиқилишиб, ўртадан бир амаллаб жой очиб бердик..."

Содиқ Алиевнинг айтишича, у Абдулла Қодирий билан апрель ойига қадар бир камерада яшаган. Аммо у назоратчиларнинг адибни терговчилар хузурига олиб чиқиб, калтаклаганлари тўғрисида ҳеч нарса дегмаган. Мен шахсан сўбатлашганим Самарқанддаги педагогемиянинг домларидан бири Рауф Бойжиев терговчилар хонасида қичкинагина бир кишининг намоз ўқийгани ва намозни ўқиб тугатганидан кейин Рауф акага: "Мени танимадмигиз-а?" деганини айтган. Муаллифи аниқ бўлмаган бошқа хотираларда эса адибни ярим кечада дамма-дам олиб чиқиб кетиб, тонга яқин роса калтакланган ҳолида камерага судраб олиб кирганлари айтади. Яна шундай хотиралардан маълум бўлишича, камерадаги тиббиётдан хабардор кишилар адибни нималар биландир даволаб, оёққа тургазганлар. Бундай ҳоллар ўқин-ўқин давом этиб турган.

Рауф Бойжиев Абдулла Қодирийни кўрганида унинг бир бурда бўлиб қолганини айтган эдики, бу унинг шундай азобларни бошидан кечирганининг натижасидир, десак, хато бўлмас.

Маълумки, ўтган асрнинг 20-йилларида Ҳиндистонда инглиз босқинчилирига қарши тез-тез қўзғолон бўлиб турган ва улар шифатсизлик билан бостирилган. Қўзғолон раҳбарлиги қилган кишиларнинг шифатсиз жазоланганини кўрган қўзғолончиларнинг бир гуруҳи Туркистонга, Тошкентга қочиб келган (Фитрат "Чин севиш" ва "Ҳинд иҳтилолчилари" драмаларини шундай кишиларнинг хотираларидан таъсир-

ланиб ёзган. Кези келганда айтиш керакики, шўро давлати Ҳиндистонни забт этишда улардан фойдаланмоқчи бўлган). Тошкентдан паноҳ толган шундай кишилардан бири Саид афанди Фазлиддиновдир.

Менинг дадам Фотиҳ Қаримов Ойбек домла билан кетма-кет Тошкент шаҳрида Таълим ва тарбия билим юртида тахсил олган. Шу ўқув юртида Туркияда ўқиган Эсон афанди, туркиялик Иброҳим афанди сингари кекса, олижаноб ва билимдон домлар ҳам ишлаган. Улар Ҳиндистондан фалакнинг гардиши ила

"Ватанимиз ва халқимизнинг кўп асрлик тарихини варақлаган киши мазкур муаззам юрда Алишер Навоий ва Улугбек, Беруний ва Ибн Сино каби оламшумул шоир ва олимлар яшаганини, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм сингари шаҳарларида эса инсон ақли бовар қилмайдиган буюк меъморий обидалар барпо этилганини ўқиб, қанчалик хайратга тушса, қарийб шундай сиймолар ва меъморий обидаларни яратган халқ ҳамда мамлакатни ҳонавайрон қилган даврлар бўлганини кўриб, шунчалик куйиниши, хатто изтироб чекиши аниқ."

занд кўради. Тошкентдаги маҳаллий аҳоли ўртасида "Ҳинд ҳақим" номи билан танилган шифокор 1923 — 1936 йилларда турли шаҳар ва муассасаларда терапевт-шифокор бўлиб ишлайди. Унинг айрим ёшларини ҳам Саид афандига шогирд туйиш, терапевт-шифокорлик касбини эгаллайди. Саид афанди ўзбек халқи ўртасида катта ҳурмат қозонганига қарамай (балки шунинг учундир), жосусликда айбонлиб, 1937 йил 14 ноябрда қамоққа олинди. 1938 йилнинг 2 ноябрида отиб ташланади.

1958 йили А. Г. Мирошнеченконинг арзаси бўйича Саид афандининг иши қайта кўрилган. Шу вақтда қамоқхонада унинг орқасидан қўйилган хуфянинг "қора хати" топишган. Унда бундай сўзлар ёзилган экан: "Саид афанди жуда кампан одам. Оққўнғиллик билан роса кўп одамларни текин даволаган экан. Турмада ҳам бу ишни тўхтатмади. У фақат: "Мен жосус эмасман!" дер эди..."

Мен "чақимчи"нинг бу хатини ўқир эканман, ўзимга ўзим: "Жисмоний куч ишлатилган ҳар бир сўрқадан кейин камерага чала ўлик ҳолида олиб келиб ташланган адибни Саид афанди ёки унинг бирор ватандоши даволаган эмасмикан?" деб савол бераман...

Улуғ адибни НКВД зиндонига ким даволаган бўлмасин, у ҳам уруш пайтида бўлганидек, қатагон даврининг номи хали ошкор қилинмаган қаҳрамонлардан биридир. Масаланинг гаройиб томони шундаки, хатто қатагондек қон дарё-дарё бўлиб оққан давринг қон қаҳрамонлари бўлар экан...

Жадидлар хотирасини абадийлаштириш йўлида

Ўтган асрнинг 90-йилларида мамлакатимизда "Мустанлақчилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси", "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси (ҳозир — жамоат фонди), Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ташкил этилганидан бери шу ташкилотларда хизмат қилаётган илмий ходимлар журналистлар билан ҳамкорликда қатагон қурбонлари ҳақида 500 га яқин мақола ва очерклар, шеър, дoston ҳамда пьесалар ёзиб, радио ва телевидение орқали чиқишлар қилди. Айрим танқиди қатагон қурбонларининг йирик саналари муносабати билан эса илмий анжуманлар ўтказилиб, халқимизни уларнинг ижодий ёки илмий фаолиятлари, фожiali ҳаётлари билан таништириб, улар номини абадийлаштириш ишига камтарона ҳисса қўшиб келишмоқда.

Шу даврда М. Беҳбудий, Мунаввар қори, Боту, Ҳожи Муин, Камий, Тавалло, Ибрat, Саид Аҳрорий каби жадидларнинг бир жилдикли, Фитрат ва Чўлпоннинг беш жилдикли асарлар тўпламлари нашр этилиб, китобхонлар қўлига етказилди. Айни пайтда танқиди қатагон қурбонлари — Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Сўйзода, Шайхзода, Миртемир, Усмои Носир, Ибрat ҳақида шундай илмий-оммабо асарлар яратилдики, шу асарлар туфайли халқимизда бу атқили шоир ва ёзувчиларга нисбатан катта ихлос ва ҳурмат туйғулари шаклланди.

Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи томонидан нашр этилаётган "Тарихнинг номаълум саҳифалари" деган сериянинг яқинда 10-китоби нашрдан чиқди (Б. Ираевнинг мақоласи шу тўпламдан жой олган). Архив ҳужжатлари, ишонарли хотиралар, тарихий очерк ва бошқа материаллардан иборат бу тўпламлар янги ўзбек тарихини яратишда катта аҳамиятга эгадир.

Наим КАРИМОВ, академик.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 24 010 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов. ТЕЛЕФОНЛАР: Депоихона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.40 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6